# ПАРТИЯНИНГ ОБРЎСИ, ТАЪСИРЧАНЛИГИ УНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ Л.Ё.ҒУЛОМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ 2005 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН МАЪРУЗАСИ





Сизлар билан фаоллар семинарлари, партия депутатлар гуруҳлари аъзолари билан ўтказилган семинарлар ва бошқа минтақавий тадбирларда учрашганда, Марказий Кенгаш раҳбарлари бир неча бор эътиборни ислоҳотлар самарадорлигига давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан тегишли ҳуқуқий меъёрларни рисоладагидек бажармаслиги, айримларнинг тўрачилиги, билимсизлиги, лавозим бебошлиги каби мавжуд ҳолатлар нақадар катта зарар етказишига қаратганлар. Нафақат эътиборни қаратиш, балки партия ташкилотларини ислоҳотлар йўлидаги камчилик ва тўсиқларга қарши курашишга даъват этдилар.

Мамлакат Президентининг Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасидан келиб чиққан вазифалар тўғрисида Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳайъати ўтган ҳафтада қабул қилган ва матбуотда чоп этилган қарори партия электорати ҳаётига дахлдор масалаларни ҳал этишга қаратилган эди, дейилди маърузада.

Лекин Марказий Кенгашнинг фақат мана шу битта ҳужжати билан бу масалалардаги вазифалар чегараланмайди. Якунланаётган йилда Президентнинг ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар, шунингдек, 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши тўлалигича партия электорати манфаатларига жавоб беради. Ўз навбатида бу партия ташкилотлари ва партиянинг депутатлар тузилмаларига ижтимоий сиёсатга тегишли вазифаларни ҳал этишда яқиндан иштирок этишга чорлайди.

Ҳозирги босқичда мафкуравий иш партия фаолиятининг муҳим йўналишига айланганлиги кенгашда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу ишнинг мазмун ва шакллари бугунги кунда, маълум сабаблар боис, унга бизнинг анъанавий ёндашувларимиз доирасидан анча ташқарига чиқади.

Биринчидан, бу юқорида қайд этилгандай партия мафкурасини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни Ўзбекистон ХДП сўл сиёсий платформаси билан мувофиқлаштириш билан боғлиқ.

Ва ниҳоят, шуниси эътиборга лойиқки, янги Дастурда ХДПнинг либерал демократия мафкуравий принципларидан чегаралари аниқ белгиланган.

Албатта, бу масалалар назарий жиҳатдан ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кунда партия фаоллари учун вакиллик парламент демократияси, кўппартиявийликни шакллантириш ва ривожлантириш, партиянинг жамиятдаги вазифалари, демократик мухолифатнинг роли ва вазифалари тўғрисида методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Лекин қачон Марказий Кенгаш буларнинг ҳаммасини ишлаб чиқиб беради, деб кутиб туриш ҳам тўғри бўлмайди. Биз Наманган, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидаги туман ва шаҳар партия ташкилотларининг, бизнинг партия матбуотимизда чоп этилган материалларга таяниб, партия сўл платформаси ва бошқа масалалар билан боғлиқ фаол тушунтириш ишларини олиб бораётганлигини қониқиш билан қайд этамиз ва барча туман, шаҳар партия кенгашларини улардан бу масалада намуна олишга даъват этамиз.

Камида Қорақалпоқ республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қошида тегишли ишларни олиб боришга тайёр партия аъзоларидан иборат ташвиқот-тарғибот гуруҳлари ташкил этилса, тўғри бўлар эди.

Иккинчидан, бизнинг мамлакатга тўғри келмайдиган сохта «демократия ва фуқаролик жамияти» моделини зўрлаб ўтказиш бўйича ҳаракатларга қарши мақсадли, кенг қамровли аксилтарғибий ишларни амалга ошириш барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим. Маҳаллий партия ташкилотлари ҳаракатларини муайян хорижий кучлар томонидан Ўзбекистонга зўрлик билан, халқимиз миллий манфаатлари, анъаналари ва маънавий қадриятларига тўғри келмайдиган, жамиятнинг сохта демократик тизимини ўтказиш бўйича интилишларини фош қилишга қаратилиши керак.

Бунда аниқ мисоллар билан айрим нодавлат нотижорат ташкилотларнинг «Ҳуқуқни ҳимоя қилиш» деб аталмиш фаолияти уларнинг қонунчилик томонидан белгиланган ваколатлар доирасидан чиқишини кўрсатиш керак. Бу фаолият давлат қонунчилик, вакиллик ва суд ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқарида олиб борилганлиги боис, ҳеч кимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир эмаслигини тушунтириш лозим.

Албатта, бу ишда фақат тушунтириш ишлари билан чегараланиб бўлмайди. Бунда энг яхши ишончли йўл бу — малакали ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишдир.

Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳайъати ноябрда Ўзбекистон ХДП жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилишда айнан шуларни ҳисобга олган эди. Мавжуд муаммоларни қонун доирасида амалий ҳал этиш мақсадида жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Партия кенгашларининг раҳбарлари бир нарсани яхши тушуниб олишларини истардик — қабулхоналар тўғрисидаги қарор бу Марказий Кенгашнинг оддий бир истаги ёки ҳавойи хоҳиши эмас. Бу дастурий ҳужжатларимизни амалга ошириш шаклларидан бири, хусусан, яқин 5 йилга мўлжалланган партия ҳаракат дастурининг амалга оширилишидир. Бу биринчи даражали аҳамиятга молик сиёсатдир. Чунки одамлар бизнинг ижтимоий муаммоларни амалда ҳал этиш қўлимиздан келишига ишонишса ва тегишли ёрдам олиш учун жамоат қабулхоналарига келишса, биз шунда ҳақиқий сўл партия бўлдик, дея оламиз.

Бу иш йўналиши билан ташкилотларимиз ва кенгашларимиз аҳолининг мунтазам фуқаровий маърифатини уюштиришда бевосита иштирок этиши билан боғлиқ. Сўзсиз, бу ишнинг баъзи унсурлари кўплаб маҳаллий партия ташкилотлари кундалик фаолиятида мавжуд. Лекин, бу ишда умуман, ҳозирча аниқ бир ёндашув йўқ. Бу иш яқингача бош вазифа — партия аъзолари ва бизни қўллаб-қувватлаётган электоратда, айниқса, ёшларда демократик жамиятда масъулиятли фуқаролик одоб-ахлоқи кўникмаларини шакллантириш вазифасини ҳал этишга қаратилган эди.

Бу ишлар бўйича бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта вазифалар юкланади. Партия Уставининг янги таҳририга мувофиқ партия қуйи бўғинларида асосан ички партиявий масалалар — партияга қабул қилиш, аъзолик бадалларини тўплаш, турли ички партиявий муаммоларни партия мажлисларида муҳокама қилиш масалалари ҳал этилади деган эски тасаввурлардан халос бўлиш керак.

Албатта, бошланғич партия ташкилотлари зиммасида бу масалалар ҳам бор. Лекин партия дастурий мақсадлари нуқтаи назаридан, энг асосийси ташқи вазифалар — аҳоли орасида партия дастурий мақсадлари, унинг позицияси, фуқаровий маърифат, ҳозирги замон демократияси моҳиятини тўғри тушуниш ва шаклланаётган фуқаролик жамиятида ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли ва масъулиятли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича иш бўлиши керак.

2004 йилги сайловлардан кейин партияга самарали ишлаш учун яхши асос яратган омил, деб давом этди маърузачи, бу Ўзбекистон ХДП ижтимоий негизини белгилаш масаласидаги ҳаммани қамраб олишдан, аниқликка ўтиш бўлди.

Ўз навбатида бу ҳолат партия дастурий устуворликларини белгилашда аниқликни таъминлаб берди.

Бугунги кунда бизнинг диққат марказимизда беш муҳим ижтимоий устуворликлар турибди:

— меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлаш;

— ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш;

— аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш;

— ижтимоий соҳаларнинг муҳим жабҳалари — халқ таълими ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш;

— юксак маънавиятни, айниқса, ёшларда шакллантириш.

Ўзбекистон ХДП Дастури ва 2004-2009 йилларга мўлжалланган партия ҳаракат дастурида бу устуворликларнинг ҳар бири бўйича аниқ-тиниқ вазифалар қўйилган.

Шундай қилиб, айни шу масалаларнинг биринчи навбатда ҳал этилишидан манфаатдор бўлган электорат олдида партия обрўсини кўтариш учун биз ижобий силжишларга эришишимиз лозим. Бу бизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга дахлдорлигимизнинг энг яхши тарғиботи бўлади.

Бунинг учун туман ва шаҳар даражасида нималар қилмоқ керак?

Биринчидан, партия кенгашларимиз тегишли вазиятдан хабардор бўлишлари лозим.

Бу масалада баъзида қуйи бўғинларда бизни доим ҳам тўғри тушуниша олмаётирлар. Масалан, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий кенгашлари раҳбарларидан Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳайъати топшириғига асосан аҳоли бандлиги тўғрисидаги масалалар бўйича мониторинг ўтказиш юзасидан кўпинча эътирозлар билдирилмоқда. Гўёки Марказий Кенгаш маҳаллий ташкилотларни статистика органлари ишини бажаришга мажбур қилмоқда эмиш. Ёки тегишли статистик органлар шундай ахборотларни маҳаллий кенгашларга бермаётган эмиш.

Ҳеч ким партия кенгашлари олдига давлат статистика органлари маълумотларини такрорлаш вазифасини қўяётгани йўқ. Бу масаладаги расмий маълумотларни олишга ХДП фракциясининг қурби етади. Жойлардаги депутатлар гуруҳлари ҳам қонунчилик томонидан уларга берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, мунтазам равишда тегишли маълумотларни олишлари мумкин.

Аҳоли бандлиги бўйича вазиятни мониторинг қилиш масаласини қўяр эканмиз, биз тузилмаларимиз қанчалик бу масалада расмий ахборотларга эга эканлигини текширишни мақсад қилиб қўймаганмиз. Гап бошқа ёқда. Уларни ҳақиқатда ҳам ўз томорқасида бандлар ҳисобига ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда билим юртларида ўқиётганлар ҳисобига қўшиш керакми? Ҳақиқатда ҳам одам ишга жойлаштиришга муҳтож эмасми?

Ҳақиқий аҳволни аниқлашнинг фақат битта йўли бор — маҳаллаларни ҳовлима-ҳовли айланиб чиқиш, «томорқасида банд одамлардан» улар ҳақиқатдан ҳам ишга жойлашишга эҳтиёжлари йўқлигини сўраш лозим. Наманган, Сирдарё, Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳар партия кенгашлари бу масалалар билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Бу маълумотлардан бизнинг партия кенгашларимиз қандай фойдаланаётганларида ҳам гап бор. Бу маълумотлар олингандан кейин ҳовлима-ҳовли айланганда сўров ўтказган оилалардаги бирорта ишсиз ишга жойлаштириб қўйилдими? Мана шу нарса муҳим!

Афсуски,бизда битта иллат бор — шундай ахборотни олиб, биз уни фақат қайд этиб қўямиз, холос. Олдинга интилишга, тегишли масалаларни изчил равишда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳал этилиши учун курашмаймиз.

Ижтимоий инфратузилма фаолияти масалалари билан Тошкент шаҳар туман партия кенгашлари жуда суст шуғулланмоқдалар. Пойтахтдаги баъзи туманларнинг ҳурматли ва тажрибали раҳбарларидан: «Кўп қаватли уйлар ертўлалари ва томи ҳақида биз билишимизга нима ҳожат бор? Нега Марказий Кенгаш бизни шаҳарликлар уйида марказий иситиш бўйича ишлар қандай йўлга қўйилганлигини аниқлашга мажбур қилади? Бу бизнинг масалалар эмас-ку? Биз сиёсатчилармиз, коммуналчи эмасмиз-ку?» деган гапларини эшитиб қоламиз.

Лекин гап шундаки, уй-жой-коммунал соҳасидаги ислоҳотлар айнан ижтимоий сиёсат жиҳатларидан бирига киради.

Баъзи партиямиз раҳбарлари бу масалаларда тегишли ахборотлар манбаига эга эмасликларини рўкач қиладилар. Лекин, айтинг-чи, бизнинг партия аъзолари бошқа оламда яшайдиларми? У ёки бу шаҳардаги долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлашнинг энг осон йўли — бу партия ташкилотлари аъзолари қандай муаммоларга дуч келишини аниқлашдир.

Шунинг учун биз ижтимоий вазият устидан туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари томонидан мунтазам мониторинг олиб бориш, унинг атрофида ижтимоий кескинлик, вазиятни издан чиқариш ва бошқа бузғунчи интилишлар бўлса, юқори партия кенгашлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашигача тезкорлик билан хабардор қилишга, биринчи даражали аҳамият бериб, бу масалани кун тартибидан олмоқчи эмасмиз.

Ўз навбатида, бу қийинчилик ва муаммолар, бизнинг Дастурда қайд этилгандай, жойларда қонунлар, Президент Фармон ва қарорларини рисоладагидек амалга оширилмаслиги давлат бошқаруви маҳаллий органлари аппарати айрим амалдорлари тўрачилиги ва уларнинг ижро интизоми пастлиги оқибатидир.

Партиямиз бу салбий ҳодисаларга қарши қаратилган мамлакат Президенти позициясини қатъий равишда қўллаб-қувватлайди. Бу масалада сўзимиз билан ишимиз тўғри келиши учун партия кенгашлари партия депутатлар тузилмалари бу масалалардаги принципиал позицияда мустаҳкам туришлари лозим. Бунда фақатгина танқид қилиш эмас, балки давлат ҳокимияти вакиллик органлари даражасида тегишли зарур чораларни кўриш ташаббускори бўлиш лозим.

Шундай қилиб, партия олдида турган сиёсий вазифаларнинг навбатдаги гуруҳи, деди партия раҳбари ўз маърузасида, бу — Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлар гуруҳлари орқали бизнинг дастурий мақсадларни амалга оширишнинг бош воситаси бўлган — унинг парламент фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича масалалардир.

Агар ҳозирги босқичдаги бу иш ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гап борса, биринчи навбатда, биз бу ишнинг амалий томонига алоҳида эътибор бераётганимиз ҳақида бориши лозим. Маълумингизким, сентябрь ойида Марказий Кенгаш томонидан маҳаллий Кенгашлардаги ХДП гуруҳларини рўйхатдан ўтказишни ниҳоясига етказиш бўйича қатъий чоралар кўрилди. Октябрь-декабрь ойларида партия депутатлар корпуси ўқувининг уч босқичи — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳлари раислари ўқувидан, то тегишли даражадаги туман, шаҳар Кенгашлари депутатлар гуруҳлари аъзоларигача бўлган ўқиш ўтказилди.

Семинарлар аҳамияти фақатгина бизнинг депутат фаоллар, уларнинг депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва сиёсий билимлар ва методик тавсиялар муайян минимумини олиши билан чекланмади. Шуниси аҳамиятлики, барча семинарларда фаоллар эътибори жойлардаги мавжуд партия электорати ва минтақалар бутун аҳолисини безовта қилаётган ижтимоий муаммоларга қаратилиб, уларни ҳал этишда бевосита иштирок этишга даъват қилиш руҳида ўтди.

Яъни, деярли барча семинарлар иштирокчилари диққат марказида ХДП депутатлар фаоллари партия электорати манфаатларини кўзлаб тегишли амалий ҳаракатлар қилишни талаб этадиган масалалар бўлди. Лекция ва амалий машғулотларда мазкур муаммолар бизнинг депутатлар томонидан ҳал этилиши лозим ва мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш методлари кўриб чиқилди.

Буларнинг ҳаммаси январь ойида бўладиган вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларидаёқ, улардан анчадан буён кутилаётган қадамни қўядилар, деб умид билдиришга асос беради. Яъни, уларнинг пассивлигини «оқлайдиган» турли «объектив» сабабларни баҳона қилишдан, семинарларда муҳокама этилган барча масалалар бўйича депутатлик ташаббусларини намоён қиладилар.

Бу борадаги амалий қадамлар жорий йилнинг 7 декабрида Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтган республика ҳар бир фуқаросининг мамлакатдаги вазиятга дахлдорлигини кўрсатиши зарурлигининг ёрқин мисоли бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда)





## ПАРТИЯМИЗ ЯНГИ ДАСТУРИДА

кўтарилган масалалар бизни янада фаол бўлишга, ўз электоратимиз манфаатлари йўлида кескин курашишга даъват этади, дейишди Ўзбекистон ХДП фаоллари

Маҳаллий партия кенгашларининг Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш бўйича вазифалари тўғрисида партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари И.Кочмарик маъруза қилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши раиси **Санжар Қурбонов**, Қораўзак туман кенгаши раиси **Қдырнияз Досназаров**, Гулистон шаҳар кенгаши раиси **Алишер Тошматов**, Зарафшон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари **Никита Старшев**, Пахтаобод туман кенгаши раиси **Ҳаётилла Саидов** ва бошқалар музокараларда қатнашдилар. Қонунчилик жараёни, Олий Мажлис Қуйи палатасидаги партиямиз фракциясининг фаолияти ҳақидаги саволларга Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси **А.Рустамов** жавоб берди. Иштирокчиларнинг муҳокама этилган масалалар юзасидан таклифлари тингланди.

Семинар-кенгаш ниҳоясида туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари билан партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг амалий масалалари бўйича тренинг ўтказилди. Партия ташкилотлари учун семинар-кенгашнинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** семинар иштирокчилари.

**Шавкат АКРАМОВ,**
**Владимир КОВРЕНИН**
**олган суратлар**

(Давоми. Боши 1-бетда)

## СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАРИДАН

**Зулфияхон ҲОШИМОВА,**
**ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштиришда биз сон эмас, сифатга жиддий эътибор беришимиз зарур. Токи сафимизда фаол, ташаббускор, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига сидқидилдан хизмат қиладиганлар қолсин. «Сиз ХДП аъзосиз, мана сизга янги билет» деб иш юритмаслик керак.

**Абдуолим БЎРИЕВ,**
**ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси:**

— Менимча, Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш жараёнида ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керак. Масалан, транспорт, ёқилғи, алоқа... масаласи. Гарчи булар майда-чуйда бўлиб кўринса-да, кўп жойларда, туманларда муаммодир.

**Алишер ТОШМАТОВ, ЎзХДП**
**Гулистон шаҳар кенгаши раиси:**

— Аъзолик бадалларини уч ой вақт давомида тўлолмаганларни ЎзХДП аъзолигидан чиқариш масаласини ўйлаб кўриш керак. Агар шундай қилинса, кўпчилик партиядошларимиздан айрилиб қолишимиз мумкин. Чунки очиғи, партиядошларимиз орасида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтожлар йўқ эмас.

**Раъно МАМАТҚУЛОВА,**
**ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси:**

— Семинар жуда қизиқарли ўтаяпти, фойдали бўлиши, шубҳасиз. Биз вилоятлардан, чекка туманлардан келган сафдошларимиз билан мулоқотда бўлиб, ўзаро фикр алмашдик. Кўпчиликнинг фикри шуки, бугунгидек семинарлар ҳар йили ўтказилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Саида ЖЎРАЕВА,**
**ЎзХДП Бухоро туман кенгаши раиси:**

— Сиёсий партиянинг аҳоли орасидаги обрўсини, халқ ишончини қозонишини партия ташкилотларида ишлайдиган кадрларнинг салоҳияти, фаоллиги ва жонкуярлиги белгилайди. Мана ҳозир партия кенгашлари қошида жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш ҳақида фикрлар билдирилди. Биз ҳам туманимизда жамоатчилик қабулхонасини ташкил этганмиз. Бизга жуда кўп фуқаролар турли масалаларда ёрдам сўраб мурожаат этмоқда. Биз уларга имкон қадар ёрдам бериб, қонуний йўл-йўриқлар кўрсатаяпмиз. Керак бўлса, туман ҳокими ва бошқа идоралар раҳбарларига уларнинг ўзлари билан бирга чиқиб, масалаларини ҳал этишга эришаяпмиз.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
**ёзиб олди**

● Иқтисод ва ислоҳот

# МАҚСАД — СИФАТ ВА САЛМОҚ

## ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Етиштирилаётган донни қайта ишлаш, аҳоли истеъмоли учун юқори сифатли ун, нон ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришиш — «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги барча корхоналар олдида турган энг асосий вазифадир.

**Хўш, тизимнинг пойтахт вилояти ҳудудида жойлашган «Ғалла — Алтег», «Тошкентдонмаҳсулот», «Оҳангарондон» акциядорлик жамиятларида бу борада амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёнларининг бориши ва уларда соҳанинг келгуси истиқболлари қандай?**

**Искандар Юнусов, «Ғалла — Алтег» акциядорлик жамияти раиси:**

— Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида барча донни қайта ишлаш корхоналари қатори бизнинг жамиятимиз жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Жумладан, ғаллани қайта ишлаш, сифатли ун ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мавжуд моддий-техника, меҳнат ва молия ресурсларидан унумли ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан муайян ютуқларга эришдик. Дастлабки пайтларда маҳсулот етиштириш ва қабул қилиш бўйича фақат ширкат хўжаликлари билан шартномалар тузиларди. Эндиликда фермерлар ҳам мустақил равишда биз билан тўғридан-тўғри ана шундай ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишаяпти.

Корхонамиз вилоятнинг Янгийўл, Қибрай, Тошкент, Юқоричирчиқ, Паркент, Зангиота туманлари хўжаликларидан дон маҳсулотлари қабул қилиб олади. Улар томонидан етиштирилган 81 минг 298 тонна ғалла корхонамизда қайта ишланади. 2006 йил учун айни шу ҳудудлардаги 1171 та фермер ва 63 та ширкат хўжаликлари билан шартнома туздик.

Жорий йилдан бошлаб, дон етиштирувчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида Юқоричирчиқ тумани ҳудудида «Ўзбекистон» дон қабул қилиш шахобчаси ташкил этилди. Чунки, илгари бу ердаги ғаллакорлар етиштирган ҳосилларини корхонамизга 30-40 километр йўл босиб олиб келишарди. Шунингдек, 6 та туманда 29 та уруғлик шахобчалари ҳам ташкил этдикки, улар мавжуд хўжаликларга 8 минг 384 тонна миқдоридаги уруғлик донни етказиб бермоқдалар.

Биз улар етиштирган уруғлик донни қабул қилиб олиш, саралаш ва сифатли сақлаш жараёнларига алоҳида эътибор бериб, барча хўжаликларни сара уруғ билан таъминлашни мақсад қилиб олганмиз.

**Зоҳиддин Нуриддинов, «Тошкентдонмаҳсулот» АЖ бошқаруви раиси:**

— Бозор иқтисодиётининг қатъий талабларига кўра зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилаётган бугунги кунларда фермерларнинг донни қайта ишлаш корхоналари билан мустақил равишда ҳуқуқий муносабатлар ўрнатаётганлиги, шубҳасиз, иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади. Буни сўнгги йиллар тажрибаси яққол тасдиқлади. Шунинг учун ҳам, ўзаро муносабатларни қонуний асосларда йўлга қўйишга бўлган қизиқиш, қолаверса, томонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилишлари кучайиб бораяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, хусусан сўнгги 2-3 йилда корхонамизда деҳқонлар етиштирган донни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва сифатли сақлаш имконини берувчи элеватор ва механизациялаштирилган омборхоналар яратилди.

Жорий йилда вилоятнинг Қуйичирчиқ, Бўка, Бўстонлиқ, Чиноз, Оққўрғон туманларидаги фермер (ва мавжуд ширкат) хўжаликларидан 100 минг 783 тонна товар дон ҳамда 7585 тонна уруғлик (жами — 108 минг 368 тонна) дон қабул қилиб олдик.

Корхонамиз тасарруфида 34 та уруғлик тарқатиш шахобчалари бўлиб, уруғлик тўғридан-тўғри дон етиштирувчилар даласига етказиб берилаяпти.

Ишловчиларнинг иш ҳақлари ва ижтимоий муҳофазаси доимо диққат-марказимизда турибди. Жумладан, шу йил корхонамизга дон етказиб бераётган 5 та туманнинг барча механизаторлари ва сеялкачиларига иш ҳақи сифатида 31 миллион 50 минг сўм маблағ ажратдик. 70 миллион сўмга экиш агрегатлари харид қилдик.

Мақсадимиз — мавжуд хомашёни қайта ишлаб, турли хил маҳсулотларга айлантирган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш...

**Саидаҳмад Лутфуллаев, «Оҳангарондон» АЖ раиси:**

— Ғаллачилик — ҳамма жойда ҳам сердаромад, рентабелли тармоқ. Чунки, эндиликда ғалла етиштириш асосан механизациялаштирилган бўлиб, қўл меҳнати камроқ сарфланади. 2003-2005 йилларда бу борада эришилган натижалар таҳлили ҳам шундан далолат беради. Буни биз билан ҳамкорликда ишлаётган Бекобод, Ўртачирчиқ, Пискент ва Оҳангарон туманлари ғаллакорлари иш фаолиятида ҳам яққол кўрса бўлади.

Ана шундай омилга таянган ҳолда биз ҳозирданоқ 2006 йил дон ҳосили учун юқорида келтирилган туманларнинг ғаллакорлари билан шартнома туздик. Келгуси йил ўрим-йиғим даврида улардан 90 минг 600 тонна ғалла қабул қилиб оламиз. Бунинг 5 минг тоннаси уруғлик дон бўлади. Уруғлик — туманларнинг ҳудудларида жойлашган 43 та ихтисослашган дон тарқатиш шахобчалари орқали етказиб берилади.

...Ҳар уччала суҳбатдошимиз сўзларидан кўриниб турибдики, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг Тошкент вилоятидаги мавжуд 3 корхонасида эришилаётган ютуқлар энг аввало тармоқда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Қинғир иш — келтирар ташвиш

# ДИРЕКТОРНИ ЎҒИРЛАБ

## НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД ОЛМОҚЧИ ЭДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига «Маҳкамхон савдо» фирмаси раҳбарининг ёрдамчиси М.Собирова ариза билан мурожаат қилди. Унда Нуриддин Норов деган фуқаро ўзининг фирмаларидан «Маҳкамхон савдо» фирмаси ҳисоб рақамига банк орқали пул ўтказганлиги ва бу пулларни 95 фоизини нақд беришини талаб қилаётганлигини баён этганди.

Агар унинг талаби бажарилса, қонун бузилган ҳисобланади, рад қилишса қизи гаровда. Нима қилиш керак? У тўғри йўлни танлади. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига келиб бўлган воқеани айтди. «Маҳкамхон савдо» ХФнинг директори лавозимида ишлаётган Нодира Ҳамидова дугонасининг уйидан Нуриддин Норов ва унинг шериклари томонидан зўрлик ишлатиб, олиб кетилганди. Норовнинг талаби анча жиддий эди. «Маҳкамхон савдо» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказилган 31 млн. сўм пулни нақдлаштириб Нуриддин Норовга берилганидан кейин уни қўйиб юборишларини айтишди.

Ариза асосида Департамент ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Нуриддин Норов шериклари — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимида катта мутахассис бўлиб ишловчи Ғанижон Мусаев ҳамда «Карун Сапфир» ва «Монарх Сенатор» корхоналари раҳбарлари билан ноқонуний даромад олиш, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловларни қасддан тўламаслик мақсадида, улар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, нақдлаштирилган пуллар эвазига аслида товарлар олинмаган бўлсада, олди-сотди тўғрисида сохта ҳужжатлар расмийлаштиришган экан.

Шум ниятли кимсалар «Маҳкамхон савдо» хусусий фирмаси номидан бир томонлама фақат реквизитлари тўлдирилган «Счет договор» олиб, ана шу сохта шартномага асосан «Маҳкамхон савдо» ХФси ҳисоб рақамига юқоридаги корхоналарнинг ҳисоб рақамидан жами 31.454.000 сўм пул ўтказишади. Бу пулларни савдо қоидаларига зид равишда 95 фоизни нақд ҳолда М.Собировадан олмоқчи бўлишади. Юнусобод тумани «Деҳқон бозори» ёнида фуқаро М.Собирова олиб борган 14.450 АҚШ доллари ва 12.110.000 сўм пулни Нуриддин Норов олиб, ўзининг таниши бўлган Ғанижон Мусаевга бериб юбормоқчи бўлган вақтида ушланди.

Суриштирувда маълум бўлдики, Ғанижон Мусаев Нуриддин Норовнинг жиноий ҳаракатларини амалга оширишда кўмаклашиб, унга Бухоро вилоятида рўйхатдан ўтган «Карун Сапфир» ва «Монарх Сенатор» корхоналаридан «Маҳкамхон Савдо» корхонаси ҳисоб рақамига 31 млн. 454 минг сўм пул ўтказган. Шунингдек, Нуриддин Норов қонунга хилоф равишда М.Собировадан нақд пул олаётган вақтида у шу ерда бўлиб, олди-бердини кузатиб турган. Ҳамда Ғ.Мусаевнинг уяли телефони Н.Норов номига расмийлаштирилганлиги, телефондаги бўлиб ўтган сўзлашувлар ўрганилганда Ғ.Мусаев асосан Бухоро вилоятидаги номаълум шахслар билан алоқа қилиб келганлиги маълум бўлди.

Бу зўравонлар «Маҳкамхон Савдо» ХФ директори Нодира Ҳамидовани зўрлик билан Юнусобод тумани Шаҳристон кўчасида жойлашган Асқархўжаеваларнинг уйида ушлаб туришган.

Нуриддин Норов товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қатор моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган. Шунингдек, унинг ҳамтовоқлари Муқаддас Асқархўжаева ва унинг қизи Мавлюда Асқархўжаева, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимида катта мутахассис бўлиб ишловчи Ғ.Мусаев, «Карун Сапфир» ва «Монарх Сенатор» корхоналари раҳбарлари ҳамда бошқа бир неча шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари охир-оқибатда ўзларини қопқонга туширди. Аслида эса товламачилар тадбиркорни чув туширишмоқчи эдилар.

**Алишер АННАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг катта суриштирувчиси.**



### «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ҳузурида ташкил этилган умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нашр ҳисобланган «Фуқаролик жамияти» журналининг махсус сони сотуви ва 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Махсус сони 2500 сўм, бир йиллик обуна нархи 10000 сўм (бир йилда 4 маротаба чоп этилади).

Журнал саҳифаларида Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш соҳасида ислоҳотлар ёритиб борилади.

**Журнал таҳририяти Ўзбекистон шоҳ кўчаси 45-а уйда жойлашган. (тел.: 132-62-27, 132-62-29, факс 132-62-28).**




✓ ФРАНЦИЯ

Франция парламенти терроризмга қарши қонунини охирги ўқишда тасдиқлади.

Янги қонун террорчилик актларини тайёрлаш, содир этиш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширган шахсларга ва уларга ёрдам берганларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилишини кўзда тутади.

Энди террорчиликни уюштирганлар учун жазо муддати 30 йилгача, ижро этганлар учун эса 20 йилгача белгиланиши мумкин.

Шу билан бирга фуқароларнинг телефон сўзлашувлари ва интернет орқали ёзишмалари устидан назорат қилиш борасидаги хавфсизлик хизматларининг ваколатлари кенгайтирилди. Бундан олдин мавжуд бўлган қонунда телефон рақамлари ва сўзлашувлар кунларини сақлаб қолиш анча чегараланган эди. Бундан буён кўпинча террорчилар томонидан ёзишув воситасида ишлатилувчи Интернет кафелар ва уяли алоқа компаниялари сўзлашувлар ҳақидаги маълумотларни бир йил давомида сақлашга мажбур.

Қонун жамоат транспорти, вокзал, аэропорт, дўкон, кинотеатр ва умуман, одамлар кўплаб йиғиладиган жойларга видеокузатув воситалари ўрнатишни ҳам кўзда тутади. Бундан ташқари террорчилар хужум қилиши мумкин бўлган саноат



объектларини қўриқлаш кучайтирилди.

Янги қонун Франция фуқаролигини олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш муддатлари узайтирилиши ва террорчилик актларини молиялаштиришда гумон қилинаётган шахсларнинг банк ҳисоб рақамларини музлатиб қўйиш имконини беради.

Мамлакатнинг чап қанот мухолифати террорчилик ҳақидаги бу қонунни «асосий шахсий ҳуқуқлар учун жиддий хавф туғдирувчи ҳужжат» дея таърифлаб, бу борада Конституциявий кенгашга мурожаат қилишларини билдиришди.




**«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 146-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ**

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 ТУР**
3
89
62
85
86
61
30
34
12
Сони: 1
Телевизор
Сумма: 180000
Чипта рақами
10008850.3
**2 ТУР**
47
22
32
59
35
78
20
38
37
42
18
8
29
33
70
88
13
79
87
36
69
Сони: 2
Сумма: 150000
Чипталар рақами
30002231.3
80004689.2
**3 ТУР**
45
56
17
26
2
25
66
1
63
53
44
6
21
40
64
90
60
Сони: 1
Сумма: 500000
Чипта рақами
30018720.1
**4 ТУР**
82
19
4
58
54
72
57
84
65
7
41
14
15
23
9
11
50
48
77
Сони: 1
Nexia автомобили
Сумма: 10500000
Чипта рақами
80022117.1
**5 ТУР**
52
31
67
Сони: 2
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипталар рақами
20006310.3
80000154.1
**6 ТУР**
83
80
Сони: 1
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипта рақами
10007622.3
**7 ТУР**
51
Сони: 1
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипта рақами
30000257.3
**8 ТУР**
46
Сони: 4
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипталар рақами
20002625.3
20016693.2
30029524.2
80018442.3
**9 ТУР**
73
Сони: 16
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипталар рақами
10012853.1
10014796.3
20003384.3
20020286.3
30000438.3
30008459.1
30015311.2
30016880.2
40022037.3
40023479.3
50004204.1
50017565.2
50023585.1
70011350.3
80008655.3
80028470.1
**10 ТУР**
27
Сони: 21
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипталар рақами
10020660.2
20003733.2
20019864.1
20024859.1
30000166.3
30000523.3
30028022.1
40026900.2
50007742.3
50010983.2
50020977.3
60001347.3
70002824.2
70010321.3
70016789.1
70021473.1
80014084.1
80026813.1
90009204.1
90011089.2
90019502.2
**11 ТУР**
68
Сони: 35
Видеомагнитофон
Сумма: 70000
Чипталар рақами
10008921.1
10013231.2
10020839.1
20003872.1
20008336.2
20022520.2
20025393.3
20027946.2
30003596.3
30007672.2
30010512.3
30016292.2
30016898.3
40015974.3
40026198.3
50014731.2
50015753.3
50024367.3
50025533.3
50027874.2
60006062.2
60007793.1
60012624.3
70007797.1
70014541.1
70017016.2
70019896.1
70028446.3
80010801.3
80019390.3
80022466.1
80023571.3
90010973.3
90013899.1
90014340.3
**12 ТУР**
5
Сони: 41
Сумма: 3000
**13 ТУР**
71
Сони: 115
Сумма: 2500
**14 ТУР**
81
Сони: 122
Сумма: 2000
**15 ТУР**
76
Сони: 204
Сумма: 1500
**16 ТУР**
75
Сони: 357
Сумма: 1000
**17 ТУР**
10
Сони: 523
Сумма: 500
**18 ТУР**
39
Сони: 739
Сумма: 500
**19 ТУР**
16
Сони: 1175
Сумма: 500
***Қўшимча тур***
Сони: 44
Сумма: 1500
***Халтадан чиқмаган шарлар:***
***24, 28, 43, 49, 55, 74***

**“Яхши Ният” телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2005 йил 31 декабрдаги 147- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:**

1 -турда биттадан Телевизор
2 -турда биттадан Музлатгич
3 -турда биттадан NEXIA автомобили
4 -турда биттадан NEXIA автомобили
Колган турларда пул-буюм ютуқлари қўйилган

“ЯХШИ НИЯТ” телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти “Лаура” ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: “Украинка” дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани “Лаура” ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.



**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**2006 йилнинг 24,27,31 январь ва 3,7,10,14,17,21,24,28 февраль ҳамда 3,7,10,14,17,24,28,31 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

***Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:***

*Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14, 27-уйда жойлашган «SANOATKONTEXNAZORAT» давлат инспекцияси Техник кўмаклашиш ва хизмат кўрсатиш марказининг 1998 й. и/ч, д/р 10 AW 567 бўлган «ГАЗ-3110» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 030 000 сўм.***

Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент почтамти» филиалининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

*— 1997й. и/ч, д/р 10AE 476 бўлган «Тико» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 250 000 сўм.***

*— 1998й. и/ч, д/р 10AC 987 бўлган «Дамас» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 500 000 сўм.***

*— 1995й. и/ч, д/р 10TH 258 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 1 428 100 сўм.***

*— 1987й. и/ч, д/р 10AQ 825 бўлган «УАЗ-3741» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 950 000 сўм.***

*— 1997й. и/ч, д/р 10AE 475 бўлган «Тико» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.***

Сирғали тумани, Спутник даҳаси, 12-мавзеда жойлашган «12-автобус саройи» ОАЖнинг қуйидаги автотранспорт воситалари:

*— 2000й. и/ч, д/р 10AO 935 бўлган «Дамас» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 1 700 000 сўм.***

*— 2000й. и/ч, д/р 10AO 924 бўлган «Дамас» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 100 000 сўм.***

*— 1997й. и/ч, д/р 10AD 546 бўлган «Тико» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 1 100 000 сўм.***

Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 73-«Б» уйда жойлашган «Davavianazorat» давлат нозирлигининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

*— 1996й. и/ч, д/р 10AZ 123 бўлган «ГАЗ-310200» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 200 000 сўм.***

*— 1995й. и/ч, д/р 10AZ 124 бўлган «ГАЗ-310200» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Ҳамда объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

*Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.*

*Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.*

***Гувоҳнома № 000815***



**«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**2005 йилнинг 25,29 ноябрь ва 2,6,13,16,20 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади:**

***Автотранспорт воситалари:***

*— Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг д/р 10AO 560 бўлган «Нексия» русумли а/в — 2 450 000 сўмга;*

*— Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг д/р 10AR 464 бўлган «Нексия» русумли а/в — 3 300 000 сўмга;*

*— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг д/р 33-04 ТШ бўлган «КамАЗ-54112» русумли а/в — 1 940 000 сўмга;*

*— Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Университет» нашриётининг д/р 516 бўлган «ЗАЗ-968М» русумли а/в — 120 000 сўмга; д/р 10 AA 517 бўлган «ЗАЗ-968М» русумли а/в — 120 000 сўмга сотилди.*

**Уй-жой қуриш учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган ер участкаларининг умрбод эгалик ҳуқуқи:**

***М.Улуғбек тумани:***

*— Ҳусанбоев кўчасида, сатҳи 0,023 га. бўлган ер участкаси — 1 530 000 сўмга;*

*— Ш.Бурҳонов ва Устабоев кўчалари оралиғида сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкаси — 400 000 сўмга;*

*— Ш.Бурҳонов ва Устабоев кўчалари оралиғида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси — 910 000 сўмга;*

*— Мусо Жалил ва А.Убайдуллаев кўчалари кесишган ҳудудда, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси — 2 200 000 сўмга;*

*— Ш.Бурҳонов ва Устабоев кўчалари оралиғида сатҳи 0,036 га. бўлган ер участкаси — 1 300 000 сўмга;*

***Яккасарой тумани:***

*— Юсуф Ҳамадоний кўчасида, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. дан бўлган иккита ер участкаси, ҳар бири — 1 780 000 сўмдан;*

*— Генерал Каримов кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси — 1 400 000 сўмга; сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси — 1 060 000 сўмга;*

*— С.Раҳимов тумани*

*— Дўстлик кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси — 580000 сўмга; сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси — 400 000 сўмга сотилди.*

**Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:**

*— Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчасида махсуслаштирилган дўкон қуриш учун сатҳи 0,15га. бўлган ер участкаси — 12 820 000 сўмга; сатҳи 0,12 га. бўлган офис қуриш учун ер участкаси — 10 200 000 сўмга;*

*— М.Улуғбек тумани, Лафарг кўчасида, сатҳи 0,032 га. бўлган минимаркет қуриш учун ер участкаси — 4 310 000 сўмга;*

*— Юнусобод тумани, Чимкент катта йўлида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ателье ва дўкон қуриш учун ер участкаси — 4 750 000 сўмга;*

*— Чилонзор тумани, 3-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 5 550 000 сўмга сотилди.*

***Гувоҳнома №000815***



***ООО «Дармон» объявляет об уменьшении уставного фонда с 198 868 283,70 сум до 11 708 000 сум.***

● Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

# БОШ МАҚСАДИМИЗ — ДАСТУР ИЖРОСИ

**Бугунги кунда республикамизда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий Дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилянти. Бу эзгу ҳаракатлардан жамоатчиликни кенгроқ хабардор қилиш мақсадида таҳририятимиз вилоят Халқ таълими бошқармалари фаолиятини мунтазам ёритиб келмоқда. Мухбиримизнинг Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Собиржон ШАРИПОВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**



**— Собиржон Шарипович, умумиллий Дастур қабул қилинганига, мана икки йил бўлаяпти. Шу даврда қилинган ишлар ҳақида қисқача ахборот берсангиз.**

— Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 537 та таълим муассасасидан 435 таси дастурга киритилган бўлиб, ўтган йилда қирқ бешта мактабда капитал реконструкция, капитал таъмир ҳамда жорий таъмирлаш ишлари ўз муддатида ва сифатли амалга оширилди. 2005 йилда эса 56 та мактабда бажарилиши дастурга киритилган ана шундай ишлар юз фоизга уддаланди. Ўн тўртта мактаб капитал реконструкция қилинди, 24 мактабда капитал ва 17 мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бир мактаб янгидан қурилиб, ишга туширилди. Ана шу қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 5 миллиард 600 миллион сўм сарфланди. Биргина жорий йилда ўқув-лаборатория, компьютерлар ва спорт анжомлари харид қилиш учун бир ярим миллиард сўм ажратилди.

**— Демак, дастурнинг босқичма-босқич ижроси кўнгилдагидек. Лекин бу билан кенг кўламдаги ишлар ниҳоя топмаган бўлса керак?**

— Албатта. Кейинги йили жами 52 та мактабда капитал реконструкция, таъмирлаш ишлари бажарилиши, битта янги мактаб қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилиши режалаштирилган. Ана шу қурилиш-реконструкция ишлари учун маблағ ажратилиб, қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер ўтказилган.

**— Бу ишлар давлат маблағлари эвазига бажарилиши қарорда белгилаб қўйилган. Ҳомийлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?**

— Жорий йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари учун давлат томонидан салкам беш миллиард сўм ажратилганди. Айни пайтда ҳомийларнинг маблағлари 138 миллион сўмдан зиёд бўлди. Тумандардаги мактабларни жорий таъмирлаш, уларга турли зарур жиҳозлар харид қилиш учун Янгибозор туманидаги «Хоразм» фермерлар уюшмаси, Урганч туманидаги «Чоткўпир» фермерлар уюшмаси, Хонқа туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, Янгиариқ тумани ҳокимлиги, Ҳазорасп туманидаги шакар заводи ва бошқа ташкилотлар катта миқдорда саховат кўрсатдилар. Аслида вилоятдаги ҳар бир тадбиркор ёки фермер учун мактабларга ҳомийлик қўлини чўзиб, имкон қадар ёрдам кўрсатиш одатий ҳолга айланиб қолган.

**— Вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Таълим муассасаларимиздаги 623 та спорт секциясида 93 мингдан ортиқ ўқувчи спортнинг қатор турлари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратилган. Бундан ташқари вилоятимизда 18 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, тўртта спорт мактаб-интернати фаолият кўрсатяпти. Бюджет маблағлари ҳисобидан ҳозиргача 35 та умумтаълим мактабига салкам 24 миллион сўмлик спорт жиҳозлари берилди. Янгибозор туманида уч минг ўринли стадион қурилиб, тумандаги спорт мактаб-интернати ихтиёрига топширилди. Ёки Ҳазорасп туманидаги Охунбобоев номли, «Хоразм», Боғот туманидаги «Тошкент» ширкат хўжаликлари ҳудудида болалар спорт мажмуалари қурилди. Ишга туширилган ушбу спорт кошоналари зарур жиҳозлар билан тўла таъминланди. Жорий йилнинг ўзидаёқ бир спорт комплекси янгидан қурилган бўлса, учта спорт иншооти тўла реконструкция қилинди, олтита мактаб учун янги спорт заллари қурилди.

Шунингдек, дастурга биноан 86 мактабга спорт заллари қурилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 20 мактаб учун спорт заллари барпо этилди.

**— Шу ўринда таълим тизими моддий-техника базасидаги айрим муаммоларни ҳам тилга олиб ўтсангиз.**

— Юқорида болалар спортини ривожлантириш ҳақида тўхталдик. Бугун вилоятдаги 56 та мактабда спорт зали йўқ. Мактаб ўқув хоналарининг фанлар бўйича тўла жиҳозланиши ва мактабларнинг ичимлик сув билан таъминланиши кўнгилдагидек эмас. Таълим муассасаларидаги компьютерлар Интернет тармоғига уланмаган.

Ишонаманки, бу камчиликлар яқин йилларда ўз ечимини топиши муқаррар. Негаки, давлатимиз раҳбари томонидан тармоққа бениҳоя эътибор берилиб, давлат дастури қабул қилингани ва ўтган икки йилдаёқ кенг кўламдаги ишлар амалга оширилгани ҳамда оширилаётгани ҳам шуни кўрсатади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди**

# ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИ ДУНЁ ТИНГЛАМОҚДА

2005 йил август ойидан бошлаб Республика радиосининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» радиоканалларини интернет орқали онлайн тизимида дунё тинглаётган эди. 16 декабрдан бошлаб эса Республика радиосининг яна иккита — «Машъал» ва «Дўстлик» радиоканаллари ҳам интернет орқали дунёга тарала бошлади.

«Ўзбекистон» радиоканали «Энди бизни дунё бўйлаб тинглашингиз мумкин» деган шиорни танлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, WWW.UZBEKRADIO.UZ, www.fmyoshlar.uz ва www.mtrk.uz веб саҳифалари орқали сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Дўстлик», «Машъал» радиоканалларини дунё бўйлаб бевосита тинглашингиз мумкин. «Ўзбекистон» радиоканалининг электрон манзилига эндиликда дунёнинг турли бурчакларидан, жумладан, Нью-Йорк, Москва, Киев, Сеул шаҳарларидан хатлар кела бошлагани фикримиз далилидир.

Онлайн радио тушунчаси ҳали кўпчилик учун нотаниш сўз бўлиб туюлса-да, бироқ радиоижодкорларнинг дунё техник андозаларини чуқур эгаллаганликлари ва амалиётда фойдаланаётганликлари эътиборга сазовордир. Радиоинтернет одатдаги радиодан нафақат масофани тан олмаслиги билан ажралиб туради, балки тингловчи учун бир қанча қулайликлар яратади. Сиз радиоинтернет орқали реал вақтда интерактив усулда тингловчи сифатида радиоижодкорларига ўз муносабатингизни билдириш имкониятига эгасиз. Эндиликда табрик йўллаш ҳам жуда осон. Сиз мухлис бўлган радиобошловчиси ёки бошқа ижодкорлар ҳақида маълумотлар керакми, марҳамат, радиоинтернет орқали билишингиз мумкин. Буларнинг бари энди Ўзбекистон радиосида. Ўзбекистон радиосининг веб саҳифаларига ташриф буюринг.

Ўзбекистон радиосини дунё тингламоқда.

**(ЎзА)**

Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи ёшларнинг иқтидорини юзага чиқарувчи, уларга етук билим бериш баробарида муайян соҳага йўналтирувчи кўзга кўринган илм масканларидан бири. Бугунги кунда 1465 болани ўз бағрига олган мазкур даргоҳда адабиёт, тарих, инглиз тили, иқтисод ва рассомчилик бўйича дарслар чуқурлаштирилган тарзда олиб борилади. Ўқувчилар замонавий билимларни эгаллашлари учун ўқув ва лаборатория хоналарида, шунингдек, турли тўгарак-машғулотлар ўтказиш учун кутубхона, маънавият хоналарида барча шароитлар яратилган.

Эътиборлиси, жорий йилдан бошлаб мазкур масканда бошланғич синф гуруҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бу эса фарзандларимизга илк таълимниёқ шу ерда олиб, биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари йўлида замин яратиши шубҳасиз.




*Суратда:* *лицейда ўтказилган саводхонлик байрамидан лавҳа.*
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

● Спорт

# МАКСИМ ШАЦКИХ — «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ»

**«Динамо» (Киев) ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ҳужумчиси Максим Шацких республикамизнинг 2005 йилдаги «Энг яхши футболчиси» деб эътироф этилди, дея хабар қилади ЎФФ матбуот маркази.**

Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар ва ахборот-таҳлил бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур сўровда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг 209 нафар спорт журналисти иштирок этди. Унда Максим Шацких 373 очко жамғариб, «Машъал» (Муборак) ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари сардори Миржалол Қосимовни 69 очко ортда қолдирди. Мамлакат XIV миллий чемпионати тўпурари, «Пахтакор» (Тошкент) ва миллий терма жамоалари аъзоси Анваржон Солиев эса сўровда 261 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади.

Эслатиб ўтамиз, бунгача Максим Шацких 2003 йилда ҳам «Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси» номинацияси ғолиби бўлган эди. Моҳир футболчи Миржалол Қосимов эса 1993, 1998, 2000 ва 2004 йилларда спорт журналистлари томонидан шундай эътироф этилганди. Қуйида ҳозиргача ўтказилган барча сўровлар ғолиблари билан танишинг:

1992 йил — Валерий Кечинов («Пахтакор»)
1993 йил — Миржалол Қосимов («Пахтакор»)
1994 йил — Игор Шквирин («Маккаби», Исроил)
1995 йил — Олег Шацких («Политотдел»/«Навбаҳор»)
1996 йил — Павел Бугало («Пахтакор»)
1997 йил — Павел Бугало («Пахтакор»)
1998 йил — Миржалол Қосимов («Пахтакор»)
1999 йил — Андрей Акопянц («Пахтакор»)
2000 йил — Миржалол Қосимов («Крилья Советов», Россия)
2001 йил — Николай Ширшов («Ростов», Россия)
2002 йил — Александр Гейнрих («Пахтакор»)
2003 йил — Максим Шацких («Динамо» (Киев), Украина)
2004 йил — Миржалол Қосимов («Алания», Россия).

Шунингдек, спорт журналистлари «Йилнинг энг яхши мураббийи» номинацияси ғолибини ҳам аниқлаб бердилар. Бу борада ўз тарихида илк маротаба Ўзбекистон чемпионати кумуш медалига сазовор бўлган ва Осиё чемпионлари лигасига йўлланма олган Муборакнинг «Машъал» жамоаси бош мураббийи Виктор Жалиловга омад кулиб боқди. У энг яқин таъқибчиси — пахтакорчилар устози Равшан Ҳайдаровни 63 очко ортда қолдирди. Миллий чемпионатларимиз тарихида биринчи бор тўртинчи ўринни эгаллаган Тошкентнинг «Трактор» жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов эса 175 очко билан сўровда учинчи ўрин соҳиби бўлди.

**Эркин ХОЛБОБО**







BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 252
*6342 nusxada bosildi*
*т — Тижорат материали*

O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda